

ЎЗБЕК ТИЛИ ДАРСЛАРИ ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИЛАРДА НОТИҚЛИК МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Дилфуза Аллаёрова

Жиззах давлат педагогика университети ўқитувчиси

Аннотация

Мазкур мақолада умумтаълим мактабларида ўзбек тили дарслари орқали ўқувчиларда нотиқлик маданиятини ривожлантиришнинг педагогик асослари илмий-методик нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада нотиқлик маданиятининг лингвистик, коммуникатив, психологик ва ижтимоий-педагогик компонентлари тизимли ёндашув асосида тавсифланган ҳамда уларни ривожлантиришга хизмат қилувчи педагогик шарт-шароитлар аниқланган.

Калит сўзлар: нотиқлик маданияти, коммуникатив компетенция, ўзбек тили таълими, педагогик технологиялар, интерфаол методлар, нутқ маданияти, компетенциявий ёндашув, коммуникатив ёндашув, риторика, педагогик шарт-шароитлар ва бошқалар.

Аннотация:

В данной статье с научной и методологической точки зрения анализируются педагогические основы развития ораторской культуры учащихся в рамках уроков узбекского языка в средних школах. Также в статье на основе системного подхода описываются лингвистические, коммуникативные, психологические и социально-педагогические компоненты ораторской культуры и определяются педагогические условия, способствующие её развитию.

Ключевые слова: ораторская культура, коммуникативная компетенция, преподавание узбекского языка, педагогические технологии, интерактивные методы, культура речи, компетентностный подход, коммуникативный подход, риторика, педагогические условия и др.

Abstract

This article analyzes the pedagogical foundations for developing students' oratory skills in Uzbek language lessons in secondary schools from a scientific and methodological perspective. Using a systems approach, the article also describes the linguistic, communicative, psychological, and socio-pedagogical components of oratory skills and identifies the pedagogical conditions that facilitate their development.

Keywords: Oratory skills, communicative competence, teaching Uzbek, pedagogical technologies, interactive methods, speech culture, competency-based approach, communicative approach, rhetoric, pedagogical conditions, etc.

Кириш

Бугунги кунда юртимизда таълим тизимини замон талаблари асосида янгилаш ва уни халқаро стандартларга мувофиқ ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, ўқувчиларнинг функционал саводхонлигини юксалтириш, билимларни ҳаётий вазиятларда

қўллаш олиш кўникмасини шакллантириш ҳамда самарали мулоқот қилиш компетенцияларини ривожлантириш устувор вазифалардан бирига айланди. Бу йўналишда амалга оширилаётган ислохотлар таълим сифати ва мазмунини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Янги таҳрирдаги давлат таълим стандартлари ўқувчиларнинг нафақат назарий билимларни ўзлаштириши, балки ўз фикрини оғзаки ва ёзма шаклда аниқ, мантиқий ҳамда таъсирчан ифода эта олиш қобилиятини шакллантиришни ҳам назарда тутди.¹ Бу эса ўзбек тили таълимида нотиқлик маданиятини ривожлантиришга қаратилган методик ёндашувларни такомиллаштириш заруратини юзага келтирмоқда.

Жаҳон таълим амалиётида коммуникатив компетенция XXI аср кўникмаларининг муҳим таркибий қисми сифатида эътироф этилмоқда. ЮНЕСКО, OECD ҳамда Европа Иттифоқининг таълим соҳасидаги тавсиялари²да мулоқот қилиш, танқидий фикрлаш, жамоада ишлаш ва омма олдида чиқиш компетенциялари шахснинг муваффақиятли ижтимоийлашувини таъминловчи асосий омиллар сифатида баҳоланади. Шу нуқтаи назардан, ўзбек тили дарслари нафақат тил тизимини ўргатиш, балки ўқувчиларнинг нутқий фаоллиги, ижтимоий мулоқот маданияти ва нотиқлик маҳоратини ривожлантиришга хизмат қилувчи интегратив таълим муҳити вазифасини бажариши лозим.

Мавзуга оид маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, нотиқлик маданиятининг лингвистик ва психолингвистик жиҳатлари етарлича ўрганилган бўлса-да, умумтаълим мактабларида ўзбек тили дарслари мисолида уни ривожлантиришнинг комплекс педагогик модели, педагогик шарт-шароитлари ва методик механизми етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Айнан мазкур ҳолат тадқиқотнинг илмий бўшлиғини (Research Gap) ташкил этади ҳамда ушбу мақоланинг долзарблигини белгилайди.

Мазкур мақоланинг асосий мақсади умумтаълим мактабларида ўзбек тили дарслари орқали ўқувчиларнинг нотиқлик маданиятини самарали ривожлантиришнинг педагогик асосларини очиқ беришдан иборат. Шунингдек, нотиқлик маданиятининг мазмуни ва таркибий қисмларини илмий жиҳатдан асослаш, уни такомиллаштиришга хизмат қиладиган замонавий педагогик технологиялар ҳамда самарали методик ёндашувларни ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

2. АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ (Literature Review)

Бугунги кунда ўқувчиларнинг нотиқлик маданиятини ривожлантириш масаласи педагогика, психология, лингвистика ва риторика каби бир-бири билан узвий боғлиқ фанлар кесишмасида шакллانган муҳим илмий йўналиш сифатида эътироф этилмоқда. Чунки равон ва таъсирчан нутқ инсоннинг нафақат билим даражасини, балки унинг мулоқот маданияти, мустақил фикрлаши ва ижтимоий фаоллигини ҳам намоён этади. Шу боис жаҳон илмий адабиётларида мазкур масала коммуникатив компетенция, нутқий фаолият, шахслараро мулоқот ҳамда функционал саводхонлик тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганилмоқда.

Замонавий таълим тизимида ўқувчиларни эркин фикрлайдиган, ўз қарашларини асосли ва ишончли тарзда баён эта оладиган шахс сифатида тарбиялаш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, нотиқлик маданиятини ривожлантиришга қаратилган

¹ Сафаров Ш. Прагматингвистика. – Тошкент: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2008. – 300 б.

² UNESCO. Recommendation on the Ethics of Artificial Intelligence. Paris: UNESCO, 2021. 44 p.

илмий изланишлар таълим сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Антик давр мутафаккирлари Аристотель, Цицерон ва Квинтилиан нотиқлик санъатини фикрни ишончли, мантиқий ва таъсирчан етказиш воситаси сифатида баҳолаганлар. Улар томонидан ишлаб чиқилган риторик тамойиллар бугунги кунда ҳам педагогик мулоқот назариясининг муҳим методологик асосларидан бири бўлиб қолмоқда.

Психолингвистика соҳасида олиб борилган илмий изланишлар нутқнинг инсон тафаккури ва шахсий ривожланишидаги ўрнини чуқур ёритиб беради. Хусусан, Л.С. Виготский нутқ ва тафаккур бир-бири билан узвий боғлиқ жараёнлар эканини илмий асослаб, инсоннинг интеллектуал камолоти, аввало, унинг нутқий фаоллиги билан белгиланишини таъкидлайди. А.А. Леонтьев эса нутқни мулоқотнинг энг муҳим воситаси сифатида баҳолаб, унинг самарали шаклланиши таълим жараёнининг сифати ва ташкил этилишига бевосита боғлиқ эканини кўрсатади. Н.И. Жинкин тадқиқотларида эса нутқ инсонлар ўртасида ахборот алмашишни таъминлайдиган асосий психолингвистик механизм сифатида талқин қилинади. Бу илмий қарашлар таълим жараёнида ўқувчиларнинг нутқий фаоллиги ва нотиқлик маданиятини ривожлантириш нафақат тил кўникмаларини, балки фикрлаш, мулоқот қилиш ва шахсий камолотни юксалтиришнинг муҳим омили эканини яққол намоён этади.

Ўзбек олимлари ҳам ўқувчиларнинг нутқий салоҳияти ва нотиқлик маданиятини ривожлантириш масаласига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Жумладан, Н.М. Маҳмудов нутқ маданиятини инсоннинг маънавий юксалиши ва интеллектуал камолотини белгилайдиган муҳим омил сифатида талқин этади. Ш. Сафаров эса прагматингвистик ёндашув асосида мулоқот жараёнида нутқий бирликларнинг вазифаси, мазмуни ва таъсирчанлик хусусиятларини илмий жиҳатдан ёритган. Шунингдек, И. Қаҳҳоров, М. Қодирова, Ў. Йўлдошев, М. Қуронов ва бошқа тадқиқотчилар ўзбек тили таълимида коммуникатив ёндашувни такомиллаштириш, ўқувчиларда риторик компетенцияларни шакллантириш ҳамда самарали мулоқот кўникмаларини ривожлантиришга доир муҳим илмий хулосаларни илгари сурганлар. Уларнинг илмий мероси бугунги кунда таълим жараёнини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг эркин ва таъсирчан нутқини шакллантириш ҳамда замонавий талабларга жавоб берадиган коммуникатив компетенцияларни ривожлантиришда муҳим назарий ва амалий манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Хорижий тадқиқотчилар Ж. Ричардс, Д. Нунан ва Ж. Хармер³ ишларида коммуникатив тил таълими концепцияси асосланган бўлиб, улар ўқувчиларнинг тил билимини реал мулоқот жараёнида қўллаш кўникмасини ривожлантиришни таълимнинг асосий мақсади сифатида кўрсатадилар.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Бугунги кунда жаҳон миқёсида таълим тараққиётнинг энг муҳим омили сифатида эътироф этилмоқда. Шу боис таълим жараёнида тил ва тафаккур уйғунлигини таъминлаш, замонавий инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш орқали ўқитиш сифатини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, Япония, Германия, АҚШ, Россия Федерацияси ва Канада каби ривожланган давлатларнинг илмий марказлари ҳамда олий таълим муассасаларида

³ Richards J. C. Communicative Language Teaching Today. – Cambridge: Cambridge University Press, 2006. – 47 p.

лингвистик компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантириш масалалари устувор илмий йўналишлардан бири ҳисобланади. Бу борада амалга оширилаётган тадқиқотлар ўқувчиларнинг нутқий салоҳиятини юксалтириш, мустақил фикрлашини ривожлантириш ва замонавий таълим талабларига мос коммуникатив кўникмаларни шакллантиришга хизмат қилмоқда. “Инновацион педагогик технологиялар воситасида ўқитишни тубдан яхшилаш” муаммоси БМТнинг таълим, фан ва маданият масалаларига доир Битимида ҳам долзарб вазифа сифатида белгиланган⁴.

Айтиш мумкинки, таълим соҳаси ҳам ҳозирда жадал янгиланишлар босқичини бошдан кечирмоқда. Инновациялар нафақат янги ғоя ва технологияларни жорий этиш, балки таълим самарадорлигини оширишга қаратилган илмий асосланган ва амалий аҳамиятга эга ёндашувларни ҳам қамраб олади. Бу жараён ўқувчилардан фаол фикрлаш, ижодий ёндашув ва юқори интеллектуал салоҳиятни талаб этади. Шунинг учун таълимда инновацион жараёнларнинг мазмуни ва уларни самарали тадбиқ этиш масалалари олимлар ҳамда мутахассислар эътиборида бўлиб келмоқда. Айниқса, мамлакатимизда амалга оширилаётган инновацион сиёсат таълим тизими олдида янги вазифаларни қўйиб, замонавий фикрлайдиган, рақобатбардош ва ташаббускор ёшларни тарбиялашга кенг имконият яратмоқда. Бу жараёнда ахборот технологиялари ютуқларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам “ахборот коммуникация технологиялари ривожланаётганлиги туфайли улардан фойдалана олиш, ўқиш ва ёзишни билишдек муҳим бўлган саводхонлик белгисига айланиб бормоқда”⁵.

Ҳозирда тил таълимининг энг муҳим вазифаларидан бири ўқувчиларнинг нутқ маданиятини юксалтириш ҳисобланади. Чунки нутқ маданияти нафақат эркин мулоқот қилиш, балки турли ҳаётий вазиятларда фикрни аниқ, раво ва таъсирчан ифода этиш қобилиятини ҳам қамраб олади. Шу боис ҳар бир дарс ўқувчиларнинг нутқий фаоллигини ривожлантиришга хизмат қилиши зарур. Дарс аввалида ҳикматли сўзлар, халқ мақоллари, шеърлар, бадий асарлардан олинган парчалар ёки тарбиявий аҳамиятга эга ҳажвий мисоллардан фойдаланиш ўқувчиларнинг тилга қизиқишини кучайтиради, уларнинг тафаккурини бойитади ва маънавий дунёқарашини кенгайтиради. Шу билан бирга, грамматик билимлар ва тил меъёрларини пухта ўзлаштириш фикрни тўғри, аниқ ва изчил баён этишга замин яратади. Зеро, инсоннинг маънавий савияси, маданияти ва шахсий фазилатлари унинг нутқи орқали намоён бўлади. Оғзаки ва ёзма нутқ бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлса-да, ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларни бирдек ривожлантириш таълим самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Оғзаки нутқда фикрнинг таъсирчанлиги нафақат сўз танловига, балки овоз оҳанги, пауза, юз ифодаси ва имо-ишора каби новербал воситалардан ўринли фойдаланишга ҳам боғлиқ. Шунинг учун ўқувчиларда бу кўникмаларни тизимли равишда шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Ёзма нутқ эса, аввало, саводхонлик ва фикрни мантиқий изчилликда баён этишни талаб қилади. Унинг муҳим афзаллиги шундаки, матнни таҳрир қилиш, ноўрин қўлланган сўз ёки ибораларни янада аниқ ва мақбул ифодалар билан алмаштириш имкони мавжуд. Оғзаки нутқда эса бундай имконият чекланган. Шу боис ҳар бир

⁴ ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари //Ўзбекча нашрининг масъул муҳаррири Л.Саидова. –Т.: Адолат, 2004. –Б. 19-62.

⁵ Axmedxanova G. Ona tili va adabiyot darslarida integrativ yondashuvning ahamiyati. central asian academic journal of scientific research issn: 2181-2489 volume 2 | issue 1 | 2022.

фикрни олдиндан пухта ўйлаб, аниқ ва раён тарзда баён этиш нотиқлик маданиятининг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Ўқувчиларда мустақам билим, амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш, энг аввало, ўқитувчининг касбий маҳоратига боғлиқ. Шунинг учун педагог назарий билимларни содда ва тушунарли тарзда етказиш билан бирга, уларни амалиётда қўллаш имкониятини ҳам яратиши лозим. Дарс жараёнида дастлаб нутқ услублари ҳақида умумий тушунча берилиб, мавзуга оид манбалар билан таништирилади. Кейинги босқичда янги билимлар бошқа фанлар мазмуни билан уйғунлаштирилиб, турли мавзудаги матнлар асосида амалий машғулотлар ташкил этилади. Бундай ёндашув дарснинг мазмунли ва қизиқарли ўтишига, ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши, фаол иштирок этиши ҳамда нутқий компетенцияларининг изчил ривожланишига хизмат қилади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, умумтаълим мактабларида ўзбек тили таълими жараёнида ўқувчиларнинг нотиқлик маданиятини ривожлантириш замонавий таълимнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, нутқ маданиятининг лексик, грамматик, коммуникатив, психологик ва ижтимоий жиҳатларини уйғун равишда шакллантириш ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши, ўз қарашларини аниқ ифодалаши ва самарали мулоқот қила олиш қобилиятини юксалтиради. Шунингдек, коммуникатив ёндашув, интерфаол методлар, мунозара, дебат, ролли ўйинлар ва ахборот технологияларидан мақсадли фойдаланиш нутқий фаолликни оширишда муҳим натижалар беради. Бу жараёнда ўқитувчининг касбий маҳорати, ижодий ёндашуви ва эркин мулоқотга асосланган таълим муҳитини яратиши ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Маҳмудов Н. Тил ва нутқ. – Тошкент: Ma'naviyat, 2019. – 240 б.
- 2.Сафаров Ш. Прагматингвистика. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2008. – 300 б.
- 3.Richards J. C. Communicative Language Teaching Today. – Cambridge: Cambridge University Press, 2006. – 47 p.
- 4.ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари //Ўзбекча нашрининг масъул муҳаррири Л.Саидова. – Т.: Адолат, 2004. –Б. 19-62.
5. Axmedxanova G. Ona tili va adabiyot darslarida integrativ yondashuvning ahamiyati. central asian academic journal of scientific research issn: 2181-2489 volume 2 | issue 1 | 2022.